

“Ангрен логистика маркази” АЖ
кузатув кенгашининг 2-сонли йиғилиш баёни

Ўтказиш санаси: 2022 йил 22 сентябрь

Ўтказиш жойи: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 45-уй
Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги
Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг маъмурий биноси.

Ўтказиш вақти: Соат 11:00 да.

Йиғилишда иштирок этган кузатув кенгаши аъзолари:

1.	Хайдаров Алишер Юсуфжонович	кузатув кенгаши аъзоси
2.	Жуланов Камол Жуланович	кузатув кенгаши аъзоси

Йиғилишда кузатув кенгаши аъзоларини 4 нафар аъзосидан 2 нафари, 50% иштирок этаётганлиги, 2 нафар аъзоси ўз аризаси билан кузатув кенгаши аъзолигини тугатганлиги сабабли йиғилишни ўтказиш учун етарли кворум мавжуд эмас.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг **“Жамият кузатув кенгашининг мажлиси” деб номланган 78-моддасини иккинчи қисмида** “Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт.”, Қонуннинг **78-моддасини учинчи қисмида** “Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.”, Қонуннинг **78-моддасини тўртинчи қисмида** “Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи ушбу Қонунда, жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Ушбу Қонун 18-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.” деган норма белгиланганлиги муносабати билан кузатув кенгаши йиғилишини очик деб эълон қилинди.

Йиғилишга таклиф қилинганлар:

1.	Б.Абдураимов	“Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори
2.	Т.Шодиева	“Ангрен логистика маркази” АЖ девонхона мудир

Б.Абдураимов йиғилиш раиси ва котибини қуйидаги таркибда сайлашни таклиф қилди:

А.Хайдаров - йиғилиш раиси
К.Жуланов - йиғилиш котиби

Рўйхат бўйича овозга қўйилди.

Розилар – 2

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: Йиғилиш раёсати ва йиғилиш котиби таркиби тасдиқлансин.

Кузатув кенгашининг йиғилиши кун тартиби:

1.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
2.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг янги аъзоларини сайлаш тўғрисида.
3.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш тўғрисида.
4.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини кун тартибини тайёрлаш тўғрисида.
5.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш ва умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар реестрини ёпилиш санасини белгилаш тўғрисида.
6.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш ва уларга тарқатиладиган ҳужжатлар тўпламини тасдиқлаш тўғрисида.
7.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенларини шакли ва матнларини тасдиқлаш тўғрисида.
8.	“Ангрен логистика маркази” АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида.

1. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги биринчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини қуйидагича тасдиқлашни таклиф қилди:

- йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачиларга 15 дақиқагача, ҳар бир масала бўйича саволлар ва муҳокама учун 10 дақиқагача;

- муҳокама учун ҳар бир масаладан кейин сўзга чиқиш.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 2

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачиларга 15 дақиқагача, ҳар бир масала бўйича саволлар ва муҳокама учун 10 дақиқагача, муҳокама учун ҳар бир масаладан кейин сўзга чиқиш.

2. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг янги аъзоларини сайлаш тўғрисида”ги иккинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, кузатув кенгаши аъзоларига қуйидагиларни маълум қилди:

2022 йил 30 июнь куни “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишда “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини тартибга солувчи бир қатор нормалар белгиланганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “2021 – 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сонли қарори билан давлат иштирокидаги корхоналар бошқарув органларининг фаолияти самарадорлигини, масъулиятини ва жавобгарлигини ошириш бўйича бир қатор талаблар белгиланганлиги муносабати билан ушбу талабларни ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги устави, Кузатув кенгаши тўғрисидаги низоми, Ижро органи тўғрисидаги низоми ва Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низоми тасдиқланган.

Ангрен шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан 2022 йил 13 июнь куни 525171-сонли реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган жамиятнинг янги таҳрирда тасдиқланган уставида кузатув кенгаши аъзолари таркиби **5 (беш) нафар** этиб белгиланган.

“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида давлат улуши бўйича сайланган “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши аъзолари З.Шарипов, А.Хайдаров, К.Жулановнинг ваколат муддатлари “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги кузатув кенгаши аъзолигига тавсия этилган номзодлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан келишилгунига қадар узайтирилган. А.Рафиқов кузатув кенгаши аъзоси этиб уч йил муддатга сайланган. **Жамиятнинг 1 (нафар) мустақил аъзоси сайланмаганлиги учун вакант қолдирилган.**

2022 йил 22 август куни “Ўзавтасаноат” АЖ раисининг биринчи ўринбосари, кузатув кенгаши аъзоси **А.Рафиқов** 2022 йил 17 август куни “Ангрен логистика маркази” АЖнинг устав фондидаги “Ўзавтасаноат” АЖга тегишли 44,19 % улуш(акция пакетлари)ни Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилганлиги муносабати билан “Ангрен логистика маркази” АЖ ва жамият кузатув кенгаши раисига ўз хоҳишига кўра кузатув кенгаши таркибидан чиқаришни сўраб ёзма мурожаат қилган.

2022 йил 24 август куни Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг бўлим бошлиғи ўринбосари, кузатув кенгаши раиси **З.Шарипов** иш жойи ўзгарганлиги муносабати билан “Ангрен логистика маркази” АЖ ва жамият кузатув кенгашига ўз хоҳишига кўра кузатув кенгаши таркибидан чиқаришни сўраб ёзма мурожаат қилган.

Шу муносабат билан 2022 йил 25 август куни “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида “Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси таркибини тўлиқ шаклантириш имкони бўлмади. Жамият кузатув кенгаши аъзоларидан **А.Хайдаров** ва **К.Жуланов**ларни касбий малакасига кўра янги тузилган қўмиталарга аъзо этиб сайланди.

“Ангрен логистика маркази” АЖ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига 2022 йил 26 август куни LC/54-сонли хат билан мурожаат қилиб, унда “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги ташкил этилган қўмиталарини иш фаолиятини ташкил этиш, кузатув кенгаши муҳокамасига олиб чиқиладиган масалаларни сифатли таҳлил қилиш учун жамият устави билан тасдиқланган **5 нафар кузатув кенгаши аъзоларидан 3 нафари вакант бўлганлиги муносабати билан** “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг аъзолигига кўриб чиқишлик учун янги номзодлар беришни, шунингдек давлат улуши бўйича кузатув кенгашига сайланган кузатув кенгаши аъзолари орасидан кузатув кенгаши раиси лавозимига мутахассислиги бўйича тўғри келадиган номзодларни тавсия қилишни сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2022 йил 12 сентябрь куни 03/08-1-18/3471-сонли хат билан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши аъзолигига Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари А.Тугизбаев, Давлат активларини бошқариш агентлиги бўлим бошлиғи Ж.Синдаров ва Бизнес ва тадбиркорлик мактаби бўлим бошлиғи З.Мирзаевни номзодини

тавсия қилиб, ушбу масалани жамиятнинг бошқарув органларида кўриб чиқиб тегишли қарор қабул қилишни сўраган.

Б.Абдураимов, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг амалдаги кузатув кенгаши аъзолари А.Хайдаров, К.Жулановни ваколат муддатларини уч йил муддатга узайтириш, Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари А.Тугизбаев, Давлат активларини бошқариш агентлиги бўлим бошлиғи Ж.Синдаров, Бизнес ва тадбиркорлик мактаби бўлим бошлиғи З.Мирзаевни номзодини кузатув кенгаши аъзоси этиб уч йил муддатга сайлаш тўғрисида таклиф киритди.

1	Тугизбаев Аъзам Абдураимович	Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари
2	Синдаров Жамшид Нуриддинович	Давлат активларини бошқариш агентлиги бўлими бошлиғи
3	Мирзаев Зафар Захирович	Бизнес ва тадбиркорлик мактаби бўлим бошлиғи
4.	Хайдаров Алишер Юсуфжонович	Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси
5	Жуланов Камол Жуланович	Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси етакчи мутахассиси

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 2

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг янги аъзоларини сайлаш тўғрисида”ги масалани “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

3. Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш тўғрисида”ги учинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамияти ва акциядорларни ҳуқуқини ҳимоя тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасида жамият акциядорларининг умумий йиғилишини чақириш, ўтказиш санаси, вақти ва жойини белгилаш жамиятнинг кузатув кенгаши ваколатига киритилганлиги муносабати билан қуйидаги таклифларни билдирди:

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган сана – **2022 йил 12 октябрь;**

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт – соат **11:00;**

йиғилиш иштирокчиларини рўйхатдан ўтказишни бошланиш вақти – соат **10:00;**

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган жойи – Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 45-уй.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 2

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилсин. “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни қуйидагича белгилансин:

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган сана – **2022 йил 12 октябрь;**

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт – соат 11:00;

йиғилиш иштирокчиларини рўйхатдан ўтказишни бошланиш вақти – соат 10:00;

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган жойи – Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 45-уй.

4. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини кун тартибини тайёрлаш тўғрисида”ги тўртинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини кун тартибига қуйидаги масалаларни киритишни таклиф қилди:

1.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси ва йиғилиш котибини сайлаш тўғрисида.
2.	“Ангрен логистика маркази” АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида.
3.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
4.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг янги аъзоларини сайлаш тўғрисида.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 2

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

1.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси ва йиғилиш котибини сайлаш тўғрисида.
2.	“Ангрен логистика маркази” АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида.
3.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
4.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг янги аъзоларини сайлаш тўғрисида.

5. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш ва умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар реестрини ёпилиш санасини белгилаш тўғрисида”ги бешинчи масала юзасидан Т.Шодиева сўзга чиқиб, акциядорлар реестрини ёпиш санаси бўйича қуйидаги таклифларни киритди:

акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш реестрини ёпилиш санаси – **2022 йил 22 сентябрь**;

умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар реестрини ёпилиш санаси – **2022 йил 6 октябрь**.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 2

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: Акциядорларининг реестрини ёпилиш санаси қуйидагича белгилансин:

акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш реестрини ёпилиш санаси – **2022 йил 22 сентябрь**;

умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар реестрини ёпилиш санаси – 2022 йил 6 октябрь.

6. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш ва уларга тарқатиладиган ҳужжатлар тўпламини тасдиқлаш тўғрисида”ги олтинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, жамият акциядорларини акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун www.openinfo.uz, жамиятнинг www.clangren.uz расмий веб-сайтида акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги эълонларни жойлаштириш, акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар ва уларга оид тайёрланган тарқатма ҳужжатлар тўрламини “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг расмий электрон манзилларига жамиятнинг www.clangren@bk.ru электрон манзил орқали юборишни таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 2

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: Жамият акциядорларини акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун www.openinfo.uz, жамиятнинг www.clangren.uz расмий веб-сайтида акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги эълонларни жойлаштириш, акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар ва уларга оид тайёрланган тарқатма ҳужжатлар тўрламини “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг расмий электрон манзилларига жамиятнинг www.clangren@bk.ru электрон манзил орқали юборилсин.

7. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенларини шакли ва матнларини тасдиқлаш тўғрисида”ги еттинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш учун тайёрланган бюллетенларни шакли ва матнларини кўриб чиқиб тасдиқлашни таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 2

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш учун тайёрланган бюллетенлар тасдиқлансин.

8. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги саккизинчи масала юзасидан А.Хайдаров сўзга чиқиб, қуйидаги номзодларни санок комиссияси таркибига киритишни таклиф қилди:

1. Джуманиязова Равшаной Калбаевна - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг Тўлов қобилятсизлик жараёнини юритиш бўлими етакчи мутахассиси

2. Турсункулов Шухратжон Ибрагим ўғли - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг Давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси

3. Рахматов Самариддин Сирождинович - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўлими бош мутахассиси

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 2

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Қарор қилинди: “Ангрен логистика маркази” АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги масалани “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

Кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилганлиги муносабати билан йиғилиш якунланди.

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси



(Handwritten signatures in blue ink)

А.Хайдаров

К.Жуланов

Баённома имзоланган сана: 2022 йил 26 сентябрь